

658(043.3)

658.04

19-19

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳукуқида

УДК 338.124.4

КАМБАРОВ ЖАМОЛИДДИН ХИКМАТИЛЛАЕВИЧ

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИНҶИРОЗГА ҚАРШИ
БОШҚАРУВНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисод фанлари номзоди
илемий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2012

234.45 (043.3)

K - 27

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академиясида бажарилган.

Илмий раҳбар:

иктисод фанлари доктори
Рахимова Дильфаза Нигматовна

Расмий оппонентлар:

иктисод фанлари доктори, профессор
Абдураҳмонов Қаландар Хўжаевич

иктисод фанлари номзоди
Суюнов Дилмурод Ҳолмуродович

Етакчи ташкилот:

Тошкент Молия институти

Химоя Тошкент Давлат иқтисодиёт университети кошидаги иқтисод
фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси
бўйича Д.067.06.01 «*ракамли Ихтисослашган кенгашнинг 2007 йил
«10» январ соат «9» да ўтадиган мажлисида бўлади.*

Манзил: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2006 йил «*Г» дикажи* да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
ilmий котиби, иқтисод
фанлари доктори, профессор

М.С.Қосимова

1. Диссертациянинг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарбилиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Барқарор иқтисодий ўсишнинг моддий асоси миллӣ ишлаб чиқариш бўлиб, бунда хусусий тадбиркорлик имкониятидан кенг фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли, иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш борасида зарур бўладиган ташкилий, иқтисодий ва ҳукукий муносабатларни тақомиллаштириш ҳамда ундаги бошқарув масалаларини кучайтиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиши учун барча имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган бўлса-да, хали ҳам иқтисодиётда уларнинг улуши дунёнинг ривожланган мамлакатлари даражаси микдоридан паст бўлиб, бу соҳада ечимини кутаётган ташкилий, иқтисодий, ҳукукий ва ижтимоий муаммолар мавжуддир. Лекин шунга қарамай, мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорлик етакчи роль ўйнайдиган кўп укладли иқтисодиёт жадал шаклланмоқда.

Бу борада мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2006 йил 11 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2005 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқида: “Биз учун устувор бўлиб қолаётган энг муҳим вазифалардан яна бири – бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласидир”¹ – деб кўрсатиб ўтган эди.

Тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, тадбиркорларнинг ҳуқук ва манбаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг амалда жорий этилганлиги иқтисодиётимизда катта аҳамиятта эга бўлган хусусий тармокни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имкониятини яратиб бермоқда.

Айни вактда мамлакатимизда 310 мингта яқин кичик бизнес корхонаси фаoliyят кўрсатмоқда, бу соҳада 5,6 миллион киши ёки иш билан банд бўлган аҳолининг 66,0 фоизи меҳнат қилмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг 38,2 фоизи ана шу корхоналар хиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич 1999 йилда 29,1 фоизга тенг эди. Биргина 2005 йилда янги яратилган иш жойларни 85,0 фоизи тадбиркорликка тўғри келди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳий ўзгаришларнинг бош мақсади биринчидан, яқин йиллар ичида ушбу соҳада ялпи ички маҳсулотнинг деярли ярмидан кўпроқ фоизини ишлаб чиқаришга эришиш, иккинчидан, бу соҳани ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ва

¹ Каримов И.А. Эришган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчили ҳаракат – «Халқ сўзи», №29, 11 февраль 2006 йил.

тадқиқот ишлари олиб борилган. Мазкур тадқиқот йўналишининг инқирозга қарши бошқарув, инвестицияларни жалб этиш ва бошқарув стратегиясини ишлаб чиқишининг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш хорижлик олимлар дикқат-эътиборида бўлмоқда. Хусусан, А.М.Букреев, А.П.Градова, В.А.Богомолов, В.И.Кошкин, В.И.Орехов, В.Р.Веснин, Г.Б.Юн, Г.К.Таль, Е.А.Бабушкина, Е.П.Жарковская, Ж.В.Эйкен, К.В.Балдин, Н.В.Бакша, Н.Н.Кожевникова, Н.Ю.Круглова, Э.М.Короткова, Я.А.Фомин⁴ ва бошқа кўплаб мутахассислар асарларида бу масаланинг тури жиҳатлари тадқиқ этилган.

Республикада ҳам, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иктисодий начорликни таҳдил этиш, банкротликни бартараф этиш механизмларининг айрим жиҳатлари иктисодчи олимлардан И.Т.Абдукаримов, Ё.Абдуллаев, М.К.Азимов, А.Ш.Бекмуродов, А.В.Ваҳобов, Н.Х.Жумаев, Ш.Н.Зайнутдинов, Н.Қ.Йўлдошев, Н.М.Махмудов, М.Қ.Пардаев, Д.Н.Рахимова, Б.Ю.Ходиев, С.С.Ғуломов, Э.А.Ҳошимов⁵ ва бошқаларнинг илмий асарларида ўз аксини топган.

Мазкур тадқиқот қамровини ўз ичига олган бошқарувнинг иктисодий механизми, глобал инқирознинг конъюнктуравий жиҳатлари, банкротлик ва санациянинг институционал хусусиятлари, саноат корхоналарида рискни бошқариш ва уларнинг амал қилиш механизмига багишланган тадқиқот ишлари А.Қ.Абдуллаев, М.С.Ашурев, С.Х.Комилов, О.Ш.Маманазаров, Б.И.Салимова, Н.С.Хасановлар⁶ томонидан тадқиқ этилган. Бирок, корхоналарда бошқарувнинг

⁴ Антикризисное управление: учебник. – 2-е изд., доп. и перераб. / Под ред. проф.Э.М.Короткова – М.: ИНФРА – М, 2009. – 620 с.; Антикризисное управление: учебное пособие для студентов вузов / под ред. К.В. Балдина. – М.: Проспект, 2005. – 312 с.; Антикризисное управление. Учебное пособие: 2 т. Т 2: Экономические основы / отв. ред. Г.К. Таль. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 1027 с.; Бабушкина Е.А. Антикризисное управление: – М.: Эксмо, 2008. – 160 с.; Бакша Н.В. Антикризисное управление. Учебное пособие. – М.: Издательство Тюменского государственного университета, 2006. – 290 с.; Богомолов В.А., Богомолова А.В. Антикризисное регулирование экономики теория и практика: учебное пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2003. – 271 с.; Букреев А.М. Экономический механизм антикризисного управления предприятием [Текст]. Монография / А.М. Букреев, К.И. Кремер, О.Е. Лударев; РосНОУ (ВФ), АНОН ВИВТ. – Воронеж: Научная книга, 2007. – 232 с.; Веснин В.Р. Стратегическое управление: учебник – М.: Проспект, 2006. – 328 с.; Вон Эйткен Дж. Кризис – оставаться в живых! Настольная книга для руководителей и предпринимателей и владельцев бизнеса. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2009. – 352 с.; Жарковская Е.П. Антикризисное управление: учебник – 4-е изд. – М.: Омега, 2007. – 365 с.; Кожевников Н.Н., Борисов Е.И., Зубкова А.Г. и др. Основы антикризисного управления предприятиями: учебное пособие для студентов высш. учеб. заведений.– М.: Академия, 2007. – 496 с.; Кошкин В.И. и др. Антикризисное управление: 17-модульная программа для менеджеров «Управление развитием организаций». Модуль 11. – М.: ИНФРА-М, 1999. – 560 с.; Круглова Н.Ю. Антикризисное управление: учебное пособие / Н.Ю.Круглова. – М.: КНОРУС, 2009. – 512 с.; Орехов В.И., Балдин К.В., Гапоненко Н.П. Антикризисное управление: учебник. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 168 с.; Стратегия и тактика антикризисного управления фирмой / Под общей редакцией профессора, доктора экономических наук А.П. Градова и профессора, доктора экономических наук Б.И. Кузина. – СПб: специальная литература, 1996. – 510 с.; Фомин Я.А. Диагностика кризисного состояния предприятия: учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2003. – 349 с.; Юн Г.Б. Методология антикризисного управления: учеб.-практич. Пособие. – М.: Дело, 2004. – 432 с.

⁵ Азимов М.К. ва бошк. Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисидаги конунига шархлар. – Т.: Шарқ, 2007. – 640 б.; Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В., Тухлиев Б.К. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2008. – 120 б.; Ваҳобов А.В., Жумаев Н.Х., Ҳошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иктисолидётга таъсирини юмшатиш йўллари. – Т.: Академ нашр, – 2009.

⁶ Абдуллаев А.К. Иктисолид барқарорликни таъминлашда банкротликнинг амал қилиш механизми: дис. ...икт. фанлари номзоди. – Т.: ЎзМУ, 2008. – 128 б.; Ашурев М.С. Саноат корхоналарида иктисолид рискларни бошқаришнинг ташкилий-услубий механизми (Фаргонга вилоят саноат корхоналари мисолида): Дис. ...икт. фанлари номзоди. – Т.: ТДИУ, 2006. – 143 б.; Комилов С.Х. Структурные и конъюнктурные аспекты финансовых кризисов: дис. ...икт. фанлари номзоди. – Т.: НУУз, 2004. – 158 б.; Маманазаров О.Ш. Бозор

иктисодий механизмини такомиллаштириш, банкротлик ва санациянинг амал қилиш механизми ва институционал хусусиятлари, глобал инқирознинг конъюнктуравий жиҳатлари ҳамда саноат корхоналарида риски бошқаришининг ташкилий-слубий томонлари ёритилган бўлса-да уларда, корхона миқёсидаги иктисодий инқирозларни бартараф этишига алоҳида эътибор қаратилмаган.

Шу билан бирга, инқирозга қарши бошқарувни ташкил этиши ва механизмини такомиллаштириш, саноат корхоналарига татбиқ этиши масалалари хорижлик иктиносиди олим ва мутахассислар томонидан кенг кўламда ёритилган бўлса-да, республикада бу соҳадаги илмий тадқиқот ишларини етарли даражада деб бўлмайди. Шунинг учун корхоналарнинг тўловга қобиллигини тиклаш ва молиявий соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш, инқирозли ҳолатларда корхонада иктиносий ўсипнига қаратилган ишларни ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иктиносидёт университети илмий-амалий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: саноат корхоналарида инқирозга қарши бошқарувнинг иктиносидий механизмини такомиллаштириш ва давлатнинг иктиносий начор саноат корхоналарини соғломлаштириш жараёнидаги иштирокини янада фаоллаштириши юзасидан илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Илмий ишнинг мақсадидан келиб чиқиб, диссертацияда куйидаги тадқиқот вазифалари белгилаб олинди:

- инқироз тушунчасига берилган таърифлар ва назарий қарашларни таҳлил қилиш;
- инқирозга қарпи бошқарувнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш;
- корхоналар фаолиятини ташхислашнинг иктиносий моҳиятини ёритиб бериш;
- корхоналарда инқирозга қарши бошқарувнинг меъёрий-хукукий асосларини ўрганиш;
- Фарғона вилояти саноат корхоналарида иктиносий начор ва зарар кўриб ишлашнинг амалий сабабларини тадқиқ этиш;
- корхоналарни молиявий соғломлаштиришида давлат томонидан амалда кўлланилаётган тадбирлар самарадорлигини таҳлил қилиш;
- Фарғона вилоятида банкротлик таомили кўлланилаётган корхоналар динмикасини таҳлил қилиш;
- инқирозли вазиятларда инвестиция сиёсатини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

шаронтида бошқаришининг иктиносий механизмини такомиллаштириш («Муборакнефтгаз» унитар щўйба корхонаси мисолида): дис. ...икт. фанлари номзоди. – Т.: ТДИУ, 2009. – 137 б.; Салимова Б.И. Формирование и развитие института банкротства в Узбекистане: дис. ...икт. фанлари номзоди. – Т.: ИЭ АНРУз, 2008. – 158 б.; Хасанов Н.С. Бозор иктиносидётига ўтиши шаронтида банкротлик ва санациянинг назарий асослари: дис. ...икт. фанлари номзоди. – Т.: ЎзМУ, 2003. – 137 б.

- банкротликни башоратлашнинг хорижий моделларини ўрганиш ва республикада кўлланилиш даражасини тадқиқ этиш;

- инқирозга қарши бошқарув стратегиясини назарий жиҳатдан асослаб бериш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Тадқиқот обьекти Фарғона вилоятидаги иқтисодий начор, зарар кўриб ишловчи ва банкрот бўлган саноат корхоналари. Тадқиқот предмети саноат корхоналарида инқирозга қарши бошқарувни ташкил этиши тадбирлар тизими.

Тадқиқот усуллари. Илмий изланиш олиб бориш жараёнида билиш назарияси, статистик гурӯхлаш, таққослама таҳлил, синтез, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилади.

Тадқиқот гипотезаси. Саноат корхоналарида инқирозга қарши бошқарувни ташкил этиши ва иқтисодий механизми такомиллаштириши, давлат томонидан иқтисодий начор ва зарар кўриб ишловчи саноат корхоналарини кўллаб-кувватлаш инқироз хатарининг камайиши хамда соғломлаштириши жараёни тезлашувига олиб келади. Инқирозга олиб келаётган ташки ва ички омилларни хисобга олган ҳолда, эксперт баҳолашнинг рейтинг тизимининг амалиётида кўлланилиши инқироз ҳолатини баҳолашда аниқликни оширишга хизмат қиласди.

Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- инқирознинг таснифланиши ҳамда инқирозга қарши бошқарувнинг характеристири томонлари, доимийлик шартлари ва иқтисодий жиҳатлари асосида амал қилиш механизми;

- республикада банкротлик институти эволюцияси ҳамда инқироз ёқасидаги саноат корхоналарини давлат томонидан кўллаб-кувватлаш бўйича таклифлар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги;

- саноат корхоналарига ҳавф солаётган инқирозларни ташхислапининг мавжуд усулларини афзаллик ва камчилик томонлари, уларни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар;

- саноат корхоналарида инқирозга карши бошқарув бўлнимини ташкил этиши ҳамда унинг мақсад ва вазифаларини белгилаган ҳолда, соғломлаштириш стратегиясини бошқариш алгоритмидан амалда фойдаланишининг иқтисодий самарадорлиги.

Ишининг илмий янгиллиги. Саноат корхоналари фаолиятига таҳдид солаётган молиявий-иктисодий инқирозларни ташхислаш, уларни рейтинг асосида баҳолаш, иқтисодий начор ва зарар кўриб ишловчи саноат корхоналарини давлат томонидан кўллаб-кувватлаш йўналишлари ҳамда инқирозга қарши бошқарувнинг стратегик дастурини такомиллаштириш тадқиқот ишининг илмий янгиллиги хисобланади ва қўйидагиларни ўз ичига олади:

- «инқироз», «инқироз турлари», «иктисодий начорлик» ва унга олиб келувчи сабабларнинг иқтисодий моҳияти очиб берилган ҳамда инқирозга қарши бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан асосланган;

- корхоналардаги мавжуд бошқарув тамойилларига асосланиб, инқирозга қарши бошқарув механизми ўрганилган ва унга иқтисодий баҳо берилган;

- Ўзбекистон Республикаси банкротлик институти тадқиқ этилган ва унинг

турли боскичлардаги ривожланиш хусусиятлари тизимлаштирилган;

- иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишловчи саноат корхоналарини давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш хамда инкиrozга қарши бошқарув соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича амалий тавсиялар берилган;

- инкиroz олди вазиятини ташхислаш хамда иқтисодий ночорликни амалий жиҳатдан аниқловчи кўрсаткичлар тизимиға ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

- корхонани инкиrozга олиб келувчи ташки ва ички сабаблар ҳисобга олинган ҳолда, инкиroz эҳтимоллигини эксперт баҳолашнинг рейтинг тизими ишлаб чиқилган;

- саноат корхоналарида инкиrozга қарши бошқарувни ташкил этиш ва уни бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлардан саноат корхоналарининг инкиrozга қарши бошқаруви, уларга ички имкониятлардан самарали фойдаланиш учун инвестицион мухит яратиш, инкиrozга қарши бошқарув йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш, молиявий барқарор корхоналар инкиrozли вазиятларга тушиб қолмаслиги учун қўлланувчи тадбирлар тизими ишлаб чиқилиши ҳамда инкиrozга қарши бошқарув иқтисодий механизмининг назарий ва амалий муаммолари илмий илмий жиҳатдан ўрганилишида фойдаланиши мумкин. Натижада ишлаб чиқариш корхоналарини молиявий барқарорлаштириш, юзага келган иқтисодий инкиrozни бартараф этиш билан бозордаги рақобат мухитини мукаммаллаштириш ва соғломлаштириш давлатнинг экспорт имкониятларини оширишга хизмат қиласди.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида диссертацияда ишлаб чиқилган ва тавсия этилган илмий янгиликлар корхоналарда иқтисодий инкиrozга қарши тадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот ишида таклиф этилган илмий тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириши давлат қўмитаси хузуридан Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази (илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш тўғрисидаги далолатнома, 24. 08. 2011 й.), Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириши Фарғона вилояти худудий бошқармаси (104-сон билан рўйхатдан ўтган 1-далолатнома, 14. 01. 2011 й.) ва «Ўзбекенгилсаноат» ДАК қошидаги «QUVA TEKSTIL» МЧЖнинг (14-сонли маълумотнома, 12. 01. 2011 й.) амалий фаолиятида қўлланилмоқда. Шунингдек, Фарғона политехника институти менежмент таълим йўналиши ўкув жараёнига (01-501-сонли маълумотнома, 02. 12. 2010 й.) татбиқ этилган.

Шу билан бирга, тадқиқот натижаларидан олий ўкув юртларида ўқитиладиган «Менежмент», «Молиявий менежмент», «Иқтисодий таҳлил» ва «Стратегик режалаштириш» каби фанлар ўкув қўлланмалари ва маъруза матнлари тайёрланишида фойдаланилган.

Ишининг синовдан ўтиши. Диссертацияда баён этилган асосий ғоя ва хуносалар «Иқтисодиёт фани йўналашларини ривожлантириш муоммалари» (ФарДУ, 2007), «Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, модернизациялаш ва янгилашнинг устувор йўналишлари» (ФарПИ, 2009), Реализации антикризисной программы – основа дальнейшего развития национальной экономики и повышения его конкурентоспособности (ТМИ, МГЭИ, 2010), Кишлек хўжалигини ривожлантиришда давлатнинг аграр сиёсати ва унинг устувор йўналишлари (ТДИУ, 2010), Миллӣй иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион фаолиятни инвестициялаш (БМА, 2010) халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринилишида баён этилган ва маъқулланган.

Диссертация иши Фаргона политехника институти «Иқтисодиёт» ва «Менежмент» кафедраларининг кўшма мажлиси, шунингдек, Тонкент давлат иқтисодиёт университети «Тармоқлар иқтисодиёти» ва «Корпоратив бошқарув» кафедраларининг кўшма мажлиси ҳамда мазкур университет қошидаги Д.067.06.01 ракамли ихтисослашган кенгашнинг 08.00.13 – «Менежмент ва маркетинг» ихтисослиги бўйича илмий семинарида мухокама этилб, химояга тавсия қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганилиги. Диссертациянинг асосий натижалари бўйича учта илмий мақола ва саккизта маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 156 бетдан иборат бўлиб, уч боб, хуроса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган. Шунингдек, диссертацияда 15 та жадвал, 19 та расм ва иловалар келтирилган.

Диссертациянинг «Саноат корхоналарида инқирозга қарши бошқарувни ташкил этишининг назарий асослари» деб номланган биринчи бобида саноат корхоналарида инқирозлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, бошқариш технологияси, инқирозга қарши бошқарувнинг амал килиши механизми, корхона фаолиятини ташкислашнинг ўзига хослиги ва инқирозга қарши тадбирларда давлат бошқарувининг хукуқий асослари баён этилган.

Илмий ишининг «Саноат корхоналари фаолиятида иқтисодий инқирозни бошқариш таҳлили» деб номланган иккичи бобида Фаргона вилояти мисолида, иқтисодий начор ва зарар кўриб ишловчи саноат корхоналари ҳолати, вилоят саноат корхоналарида юзага келган инқирозларни бартараф этишда давлат томонидан кўлланилаётган тадбирлар самарадорлиги ҳамда банкрот бўлган корхоналар таҳлили келтирилган.

Тадқиқот ишининг «Саноат корхоналарида инқирозга қарши бошқарув механизмини такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида инқирозга учраган корхоналар инвестиция сиёсатини давлат томонидан тартибга солишининг самарадорлиги, саноат корхоналарига хавф солаётган инқирозларни аниqlаш услублари, инқирозга қарши бошқарув стратегиясини такомиллаштириш самарадорлигининг талқини келтирилган.

Тадқиқот ишининг хулоса кисмida саноат корхоналарида инқирозга қарши бошқарувнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга оид назарий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Замонавий бошқарув соҳасининг ажралмас кисмларидан бири – инқирозга қарши бошқарувдир. Мазкур атаманинг мазмунини англаш учун бир катор таянч тушунчалар ва уларнинг фарқли хусусиятларини аниқлаб олишга тұғри келади. Инқироз, зарап күріб ишиш, иқтисодий начорлик, банкротлик, тұловға қобиляйтсызлик каби атамалар мазкур фан соҳасида алохидა аҳамияттаса касб этган.

Республикада ушбу йұналишда етаптар даражада тадқиқотлар олиб борилмаган, шунинг учун күпроқ Farb мамлакатлари ва россиялық иқтисодчи олимлар фикрларига асосланилади. Уларнинг фикрича, инқироз – тушикунлик, муаммо, пасайиш ва зиддиятли вазиятларни ўзида намоён этиувчи салбий ҳолат хисобланади.


Фикримизча, инқироз – бир ҳәетийлік тизимінде ривожланиб бораёттан обьект әки субъекттінг үз тараккітідан тұхташы ва оркага кетишидір. Зарап эса, маҳсулот ишлаб чыкарышга сарфланған қаржатларнинг шу маҳсулотни сотищдан келип тушадыған тушумдан күлпілгінін аңглатади. Зарапнинг мөхиятты қаржат қылыштандырылған ресурсларнинг сарфланған ҳолатын камайыб қайтиши хисобланади. Натижада корхоналарда иқтисодий начорлик ва банкротлик аломатлары шаклланади.

Тадқиқот жараёнда инқирозлар турли даражадаги бошқарув қарорларини қабул қылыш натижасыда түпләніб қолтап хатолар ва камчиліктернің міндердің жағдайларынан мөхияттың пайдо бўлиши маълум бўлди. Корхона мінёсида инқирозга олиб келувчи сабаблар ташки ва ички ҳолатлар бўйича жамланиши ҳамда уларнинг корхонада начорликни келтириб чыкаришдаги ўрни таҳлили ва оқибатлары тизимлаштирилди.

Үтказилған тадқиқотлардан маълум бўлдики, инқирозни вужудга келтирувчи оминалларга кўра турларга бўлиш унинг салбий оқибатларини бартараф этишда кўл келади. Тадқиқот ишида инқирозлар ва уларнинг иқтисодий мөхиятты ҳамда туркмұлтанишига алохидада ёзғибор қаратылған бўлиб, турли хусусиятларига кўра турхулларга бўлиб таҳлил қилинган (1-расм).

Корхоналарда инқирозга қарши профилактика жараёнларни жонлантириш учун корхона фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатиш, бошқарув қарорлари қабул қылыш босқичини корхонага хавф солаёттан хатарлар ҳақидаги ахборотлар билан таъминнап ва мавжуд муаммоларни үз вақтида ҳал этиб бориши талааб этилади. Корхона ва ташкилтларда фаолиятнинг бу соҳаси билан бошқарувнинг ажралмас бўлгаги инқирозга қарши бошқарув шуғулланади. Инқирозга қарши бошқарув инқирозни бартараф этишини такомиллаштырган йұналиши хисобланади.

Бир катор россиялық олимлар инқирозга қарши бошқарувни изохлашда куйидаги таърифни ёклашды: инқирозга қарши бошқарув – бу, бошқарувнинг шундай күренишлери, бунда инқироз мониторинг қилиниши ва олдиндан күриш механизмлари, табиати, әхтимоллиги, аломатлари таҳлил қилиниши, унинг салбий



1-расм. Инкирозни вужудга келтирувчи омилларига кўра туркумланиши

оқибатларини пасайтириш каби услубларидан келгусида барқарор ривожланиш учун кенг кўламда фойдаланилади⁸. Демак, инкирозга қарши бошқарув ўзининг фаоллиги, инкирозни олдиндан аниқлаши ва уни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиши, салбий оқибатларини камайтириш тадбирларини кўллаши билан бошқарувнинг бошқа усулларидан ажralиб туради. Инкирозга қарши бошқарувнинг аҳамияти томони шундаки, у турли стратегия ва тактикалар ёрдамида корхонада юзага келган молиявий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда нисбатан қулаиллик яратади.

Фикримизча, инкирозга қарши бошқарув – корхона томонидан инкирозни бартараф этиш ёки унинг пайдо бўлишидан олдин иммунитет ҳосил килиш мақсадида комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишидан иборат бўлиб, бу эса, инвестицион стратегик сиёсатни ўз ичига олади.

Шу билан бирга, тадқиқот ишида инкирозга қарши бошқарувнинг ўзига хос томонлари, корхоналардаги бошқариладиган ва бошқариб бўлмайдиган ҳолатлар ва уларни мутлак бошқаришда қийинчиликларнинг юзага келиши, ишлаб чиқариш диверсификациялашувида бошқарув шарт-шароитлари мураккаблашувининг инкирозли вазиятни юзага келтиришга бўлган таъсири, инкиroz аломатлари, вужудга келиш сабаблари, оқибатлари ҳамда уни бартараф этишининг инкирозга қарши бошқарув жараёнидаги ўрни асослаб берилган.

Диссертацияда бозор механизми, хўжалик механизми, корхона механизми ҳамда иқтисодий механизм ҳақидаги назарий қарашлар тадқиқ этилган. Механизм ҳақидаги турлича ёндашувлар мавжудлиги фикрлар ўртасида зиддият борлигини кўрсатади. А. Букреев иқтисодчи олимларда механизм атамасига икки хил қараш мавжудлигини қайд этади⁹. Бир гурух олимлар: иқтисодий механизм ишчи-

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁸ Бабушкина Е.А. Антикризисное управление: конспект лекций / Е.А. Бабушкина, О.Ю. Бирюкова, Л.С. Верещагина. – М.: Эксмо, 2008. – С. 25


⁹ Букреев А.М. Экономический механизм антикризисного управления предприятием [Текст]: монография / А.М. Букреев, К.И. Кремер, О.Е. Дударев: РосНОУ (ВФ), АНОО ВИВТ. – Воронеж: научная книга, 2007. – 52-54 с.

хизматчилар, мутахассис ва бошқа ходимларнинг юкори ишлаб чиқариши меҳнатини таъминлашга йўналтирилган иктисодий тизим рабатлари ва бошқарув услубларини ўзида акс эттиради деб хисоблашиса, қолганлари иктисодий механизм хўжалик юритиш услублари ва шаклларининг кўп даражали тизимини яхлитлашdir деб карайди ва ўзи ҳам иккинчи таърифга кўшилади.

Фикримизча, механизм атамасига бирор-бир фаолиятни ҳаракатга келтирувчи куч, сабаб, омил ва усул сифатида қараш керак. Чунки, корхона фаолияти учта – асосий восита, айланма маблағ ва меҳнат ресурсларининг ўзаро таъсири натижасида вужудга келади. Уни меҳнат ресурсларининг ўзи билан боғлаш бир томонлама хусусиятга эга.

Фикримизча, инқирозга қарши бошқарувнинг иктисодий механизми – бу корхонада вужудга келаётган инқирозларни барагараф этишининг иктисодий усуслари, услублари ва воситалари йигиндисидир.

Инқирозга қарши бошқарув механизми инновацион фаолият билан уйгунашган битта тизимга асосланиши зарур. Лекин, инқирозга қарши тадбирларни ишлаб чиқишида молиявий муаммоларнинг мавжуд бўлиши инновацион фаолият самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади ёки мазкур фаолиятни сусайтиради. Муаммоларни ҳал қилиш учун инқирозга қарши бошқарувнинг таркибий механизмларини ишга солиш мақсадга мувофиқ. Шу нуткази назардан, тадқиқот жараёнида инқирозга қарши бошқарув механизмини иктисодий, ижтимоий, ташкилий ва интеграцион таркибий турларга бўлинини маълум бўлди ҳамда иктисодий ночор корхоналарда инновацион гояларни ишлаб чиқишида инқирозга қарши бошқарув доирасида куйидаги алгоритмдан фойдаланиши тавсия этилади (2-расм).



**2-расм. Инқирозга қарши бошқарувда инновацион
фаолиятни ташкил этиши жаравёни¹⁰**

Инқирозга қарши бошқарув механизми инновациялар жорий этилишидаги 2-расмда келтирилган чора-тадбирлар кетма-кетлиги асосида изчил амалга оширилиши зарур. Чунки иктисодий инқироз хавф солган ёки унга учраган

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

корхонада қабул қилинаётган турли қарорлар корхонанинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришларда намоён бўлади. Шу нуктаи назардан инқирозга қарши бошқарувда инновацион фаолиятни такомиллаштириш дастлаб кам ҳаражатлик тамойилига асосланади.

Инқирозга қарши бошқарувнинг иқтисодий механизми иқтисодий усуллар ва бошқа воситалар ёрдамида хўжалик механизми орқали иқтисодий жараёнларга билвосита таъсир кўрсатади. Мазкур таъсир даражаси иқтисодий самарадорлик билан аникланади. Инқирозга қарши бошқарувнинг иқтисодий механизмини амалга ошириш жараёни қўйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

- корхонада инқирозларни таҳлил қилиш ва ташхислани;
- молиявий соғломлаштириш дастурини ишлаб чиқиш;
- иқтисодий рагбатлантириш ва имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш;
- корхона низомини қайта кўриб чиқиш ва жараёнга мослаштириш;
- ички ахборот тизимини тартибга солиш;
- ички ҳисобни ташкил этиш;
- самарали маркетинг ва инвестиция сиёсатларини ишлаб чиқиш.

Тадқикотлар натижасида саноат корхоналарида хатарлар даражасини камайтириш учун инқирозга қарши бошқарувнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш иккى хил усул билан амалга оширилиши маълум бўлди. Биринчи усулда, иқтисодий механизм корхона ички бошқарув сиёсати фаоллаштирилиши натижасида, иккинчи усул корхонада инқирозга қарши бошқарув иқтисодий механизмини давлат томонидан қўллаб-куватланиш ва рагбатлантириш асосида такомиллаштирилади. Биринчي усул ўз ичига қўйидагиларни олади:

- корхона хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва иқтисодий ҳолатига холисона ташхис қўйиш тизими доимийлигини таъминлаш орқали ички ахборот тизимининг тартибга солиниши;
- оптимал молиявий соғломлаштириш дастурини тузини асосида инқирозга қарши бошқарув стратегияси тамойиллари такомиллаштирилиши;
- иқтисодий начорлик даврида самарали инвестиция ва маркетинг сиёсати ишлаб чиқилиши;
- ходимлар малакаси оширилишини рагбатлантириш орқали корхонада самарали кадрлар сиёсати йўлга қўйилиши.

Иккинчи усул ўзида қўйидагиларни мужассамлаштирган:

- корхона хўжалик фаолиятини мониторинг қилиш ва ташхислаш, шунингдек, корхоналарда инқирозга қарши бошқарув ташкил этилишини рагбатлантириш бўйича хукукий-мсьёрий ҳужжатлар такомиллаштирилиши;
- иқтисодий начор ва зарар кўриб ишловчи йирик саноат корхоналарини молиявий жихатдан қўллаб-куватлаш янги механизmlар ишлаб чиқилиши;
- кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириши.

Давлат томонидан инқирозга қарши чораларнинг амалга оширилиши банкротлик институтига асосланади. Банкротлик институти корхоналар иқтисодий начорлиги ва банкротлиги билан боғлиқ бўлган хукукий муносабатларни тартибга солишига асосланган бўлиб, фуқаролик ва хўжалик масалаларини ҳам ўз ичига

олади.

Фикримизча, республикада шаклланган банкротлик институти ўзининг маълум хусусиятларига кўра тўрт босқичда ривожланиб, такомиллашган:

1. Биринчи босқич 1994-1997 йиллар.
2. Иккинчи босқич 1998-2002 йиллар.
3. Учинчи босқич 2003-2008 йиллар.
4. Тўртинчи босқич 2009 йилдан ҳозирги давргача.

Тадқиқот ишида иқтисодий начор корхоналарда инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, давлат томонидан кўллаб-куватлари механизмининг асосий жиҳатлари ва Фарғона вилояти иқтисодий начор, зарар кўриб ишловчи, паст рентабелли корхоналарда амалга оширилаётган тадбирлар ҳамда соғломлаштириш дастурлари таҳлил килинганда қўйидаги натижалар олинди (1-жадвал).

1-жадвал

Фарғона вилоятида турли дастурлар доирасида корхоналарда амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлиги таҳлили¹¹

№	Амалга оширилган тадбирлар	Йиллар					
		2006	2007	2008	2009	2010	2011
1.	Турли дастурларга киртилган корхоналар сони, та Шу жумладан: - ижобий натижага эришилган корхоналар сони, та - ижобий натижага эришилмаган корхоналар сони, та	86	70	73	40	110	101
	-	78	48	39	11	78	91
	-	5	11	16	9	8	2
2.	Фаолиятни зарар билан якунлаган корхоналар сони, та	22	15	21	18	21	18
3.	Зарар миждори тўлиқ коплаган корхоналар сони, та	18	10	13	13	17	13
4.	Иқтисодий начор корхоналар сони, та	26	16	17	6	9	11
5.	Ночорлигини тиклаган корхоналар сони, та	11	5	9	1	4	7
6.	Соғломлаштириш дастурига асосан яратилган янги иш ўрни, киши	2762	1388	807	654	4055	2510
7.	Суд санациядаги корхоналар сони, та	7	1	1	1	1	1
8.	Ташки бошкарув таомилидаги корхоналар сони, та	6	3	1	1	1	1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Фарғона вилоятида иқтисодий начор ва зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ҳамда ўз қувватидан самарали фойдаланмаётган корхоналарда соғломлаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўлланиши натижасида ллар ўз молиявий ҳолатини тиклапшга эришаётти. 2006 йилда 86 та корхонага нисбатан соғломлаштириш дастурлари кўлланилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2011 йилга келиб 101 тани ташкил этди. Натижада 2510 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Зарар кўриб ишловчи ва иқтисодий начор корхоналар сони 2006 йилда мос равишда 22 ва 26 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2011 йилда 18 ва 11 тадан иборат бўлган. Бундан кўриниб турибдики, Фарғона вилоятида зарар кўриб

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш Фарғона вилояти худудий бошкармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ишилаётган, иқтисодий ночор ҳолатда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони давлат миқёсида олиб борилаётган согломлаштириш тадбирларининг самарали ишлами ҳисобига йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010 – сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида»ги фармойишига асосан тузилган «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларга сотиш бўйича Республика комиссияси»нинг қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги 310-сонли қарорига асосан вилоятдаги иқтисодий ночор, кам кувватда ишилаётган ҳамда банкотлик таомили қўлланилган 16 та корхона тижорат банклари балансига инвестиция киритиш шарти билан берилди. Тижорат банклари мазкур корхоналарга 2010-2013 йиллар давомида жами бўлиб 15,3 млрд. сўм ва 20 млн. АҚШ доллари миқдорида модернизация ишлари учун инвестициялар киритиши белгиланди.

2011 йилда банклар томонидан 55,5 млрд. сўм инвестиция киритилди, шундан 43,0 млрд. сўми модернизация ҳамда 12,5 млрд. сўми айланма маблагларни кўпайтириша ўйналтирилди ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 16,5 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 707,9 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт килинди ва 615 та янги иш ўрни яратилди. Келтирилган таҳлиллардан маълум бўладики, «тижорат банкларини зарар кўриб ишилаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни согломлаштириш жараёнита жалб килиш тажрибаси амалда тўла ўзини оқлади»¹².

Ўтказилган тадқикотлардан кўринадики, инкиroz ҳавф солаётган кўплаб саноат корхоналари ички инвестиция сиёсанини ишлаб чиқишида бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Мазкур муаммолар қўйидагилардан иборат:

- согломлаштириш тадбирларини амалга ошируви кадрлар малакасининг етарли эмаслиги;
- инкиrozга учраган корхоналарда кадрлар малакасини ошириш учун етарли молиявий таъминотнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ муаммолар;
- хорижий валюталар курсидан кўрилаётган заарларининг олдини олиш чоралари мавжуд эмаслиги.

Натижада баязи корхоналарда согломлаштириш тадбирлари етарли даражада самара бермаяти. Мазкур саноат корхоналарида инкиrozга қарши иммунитетни ошириши мақсадида давлат томонидан куйидаги кўллаб-кувватлап тадбирларини амалга ошириш инкиrozга қарши иқтисодий механизмнинг такомиллашувига олиб келади:

- республика тижорат банклари томонидан четдан дасттоҳ олиб келиш учун хорижий валютада бериладиган кредитлар кредит операцияси амалга оширилган кундаги хорижий валюта курси бўйича милий пул бирлиги сўмда ҳисоблаш ёки эркин алмаштириладиган валютада фоизсиз кредитлар берилши тадбирларини такомиллаштириш. Валюта курсининг 2000 йилдан 2012 йилгача бўлган динамикаси ўрганилиб, 2016 йилнинг 1 январигача бўлган ҳолати Microsoft Excel

¹² Каримов И.А. Асосий вазифамиз ватанимиз тараккиёти ва ҳалкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон. 2010. – Б. 58.

2010 дастурида башорат қилинганда, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига бир АҚШ доллари 2295,12 сўм бўлиши аниқланди. Агар корхона бошқа шарт-шаронитлар ўзгартмаган ҳолда, 2012 йил 1 январда тижорат банкидан бир миллион АҚШ доллари микдорида жиҳоз сотиб олиш мақсадида уч йил муддатга 10 фоиз ставкада кредит оладиган бўлса, ҳамда уни 2015 йилнинг 1 июнь ҳолатига тўлиқ кайтаришини ҳисобга олганда, келгуси уч йил ичida қарийб 282 миллион сўм микдорида валиста курсини ўзгаришидан зарар кўради. Агар «О» фоизли ставкада кредит берилса, корхонада шу уч йил ичida 306 миллион сўмни тежаш ва қайта молияластириш учун сарфлаш имконияти юзага келади;

- корхоналарда инқирозга қарши бошқарув стратегиясини ҳамда инвестиция сиёсатини амалга ошириш бўйича намунавий низом ишлаб чиқиши. Мазкур тадбир натижасида биринчидан, корхона ходимларида инқирозга қарши бошқарув бўйича билим ва малака ошса, иккинчидан, саноат корхоналарининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги ҳам ортади;

- қарздор корхонанинг кредиторлик қарзларини сотишнинг иктисадий механизмини ишлаб чиқиши. Бунда корхонанинг тўлов қобилияти маълум муддатга тикланади ва бозордаги фаолияти жонланади. Корхонага нисбатан солиқлардан имтиёзлар берилши ёки пеняларни кечиш тадбирларидан кўра, давлат томонидан қарздор корхона мажбуриятлари кредиторлардан харид қилинса, давлат бюджетининг даромадлар қисми ўсади;

- телевидение ва радио орқали корхона ходимларининг инқирозга қарши болшакарув соҳаси бўйича малакасини ошириш курсларини ташкил этиши. Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлдики, саноат корхоналари бир нафар ходимни марказга малака ошириш курсига юборадиган бўлса, унинг бир ойлик харажатлари ўргача 958760 сўмни ташкил қиласди. Корхонада бир йилда ўргача беш нафардан ходим иккى ойдан малака ошириб келса, бу кўрсаткич битта саноат корхонаси учун 9587600 сўмни ташкил этади. Ходимлар малакасини оширишда тавсия этилаётган йўналишдан фойдаланиши эса корхона учун кўрсатилган микдордаги маблағлар тежалишига олиб келади.

Бугунги кунда банкротлик миллий иктисадиётнинг йирик тармоқларидан бири хисобланган саноат ишлаб чиқаришига салбий таъсир кўрсатмоқда (2-жадвал).

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 2006 йилда банкрот бўлган саноат корхоналари 11, 2007 йилда 4, 2008 йилда 2, 2009 йилда 12 ва 2010 йилда 9 тани ташкил қиласди. Банкрот саноат корхоналари сонининг жамиига нисбатан кам бўлганлигига қарамасдан, кўплаб кўрсаткичларда энг катта улушини эталандайди. Биргина, 2006 ва 2010 йиллар таккосланганда банкрот саноат корхоналарининг улуси мос равишда 3 ва 2,1 фоизни ташкил қиласми билан дебиторлик қарзларидаги улуси 2006 йилда 10,4 фоиз бўлган бўлса, ушбу кўрсактич 2010 йилга келиб 77 фоизни ташкил этган. Кредиторлик қарзлари бўйича банкрот бўлган саноат корхоналарининг улуси 2006 йилда 9,6 фоизни ва 2010 йилда 80,2 фоиздан иборат бўлган.

Тадқиқот жараёнида корхона хўжалик фаолияти ва инқироз даражасининг тарихсланиши уч гурухга бўлиниши маълум бўлди. Уларга корхонанинг инқирозли ҳолатини турли гурухдаги кўрсаткичлар комплекси асосида таҳлил

Фарғона вилоятида банкрот деб зълон қилингандан саноат корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили¹³

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2006	2007	2008	2009	2010
1.	Банкрот бўлган жами корхоналар сони (та) Шу жумладан, банкрот саноат корхоналари сони (та)	371 11	578 4	424 2	797 12	424 9
2.	Банкрот бўлган корхоналарнинг жами дебиторлик карзи (млрд. сўм) Шу жумладан, банкрот саноат корхоналари (млрд. сўм)	56,216 5,860	1,602 1,601	0,854 0,645	3,778 3,374	3,639 2,796
3.	Жами дебиторлик карзларининг ундирилиши (минг сўм) Шу жумладан, банкрот саноат корхоналари (минг сўм)	0 0	70350 70350	234400 234400	81481 81481	0,398 0,313
4.	Жами кредиторлик карзи (млрд. сўм). Шу жумладан, банкрот саноат корхоналари (млрд. сўм)	54,407 5,234	352,596 115,261	102,862 62,939	284,652 47,812	264,197 211,840
5.	Жами кредиторлик карзларининг копланishi (млрд. сўм) Шу жумладан, банкрот саноат корхоналари (млрд. сўм)	51,738 0,492	1524,485 215,444	35,656 0,242	148,390 7,032	44,659 1,334
6.	Жами ишдан бўшатилган ишчилар сони (киши) Шу жумладан, банкрот саноат корхоналари (киши)	920 762	3910 3330	671 270	2168 1386	504 11

қилиш, корхона молиявий ҳолатини омилли моделлар ҳамда корхона иқтисодий ахволини рейтинг асосида баҳолаш ўйналишлари киради.

Банкротлик ишларидаги саноат корхоналари хўжалик фаолиятининг ташхислашни алоҳида ўрганиш, мониторинг қилишида фойдаланиладиган кўрсаткичлардан олинадиган ахборотларнинг аниқлик даражасини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади. Диссертация ишида Ўзбекистон Республикасида амалдаги банкротлик конунчлилигига асоссан, иқтисодий ночорликни аниқловчи кўрсаткичлар тизими, уларга белгиланган месъёлар ва такомиллаштирилиши зарур бўлган ҳолатлар бўйича тегишили тавсияномалар берилган. Шу билан биргаликда, банкротлик эҳтимоллитетини баҳолашнинг омилли моделларини республикада қўллашни хусусиятлари ўрганилган бўлиб, мазкур тадқиқот бўйича олинган натижаларга асосан бир қатор хуносалар ишлаб чиқилган.

Иқтисодий ночор, зарар кўриб ишловчи, паст рентабелли ва банкрот бўлган корхоналарнинг мониторинги Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривоҷлантириши кўмитаси томонидан 2005 йил 14 апрелда қабул қилинган 1469-сонли «Корхоналарнинг молиявий-иктисодий ахволи мониторинги

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тутрисида¹⁴ги Низомга¹⁴ асосан олиб борилади (3-жадвал).

3-жадвал

**«Автоойна» АЖ, «Рус-Ўзбек текстил» ҚҚ ва «QUVA TEKSTIL» МЧЖ
корхоналарининг 2010 йил кўрсаткичлари бўйича молиявий-иктисодий
ҳолати таҳлили¹⁵**

Кўрсаткичлар номи	Автоойна	Рус-Ўзбек текстил	QUVA TEKSTIL	Меъёри
Тўлов қобилияти коэффициенти	7,7	1,2	1,5	1,25
Ўз айланма маблаглари билан таъминланганлик коэффициенти	0.9	0.2	0.2	0.2
Харажатлар рентабеллиги	0.03	0.0009	0.04	0.05
Активлар рентабеллиги	0.01	0.0005	0.02	0.05
Ўз айланма маблагларини қарзга олинган айланма маблагларга нисбати	4.03	0.95	0.5	1.0
Эскириш коэффициенти ¹⁶	0.5	0.05	0.5	0.5

Низом келгусида корхонага нисбатан банкротлик таомилларини кўллаш билан боғлиқ тадбирларга аниқлик киритиши мақсадида уларнинг молиявий-иктисодий ҳолатини таҳлил қилиш ва ташхислаш кўрсаткичлари хамда мезонларини ўз ичига олган. Унга кўра, иктисодий инқироз хавфи сезилган корхоналар еттига кўрсаткичлар бўйича таҳлил килинади. Уларнинг энг паст мезонлари ҳам белтилаб кўйилган. Мазкур кўрсаткичлар Фаргона вилояти саноат корхоналарида таҳлил килинганда қўйидаги натижалар олинди.

Мазкур низомга тўрт йўналишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тавсия этилади:

- корхоналарни мониторинг қилишда ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини таҳлил қилиш ҳамда аниқ ташхис олиш учун бир қатор кўрсаткичларни қўшиш;
- рентабеллик кўрсаткичлари мезонига ўзгартириш киритиши;
- тўлов қобилияти коэффициентини янада аниқлаштириш мақсадида, уни ҳисоблашда муддати ўтган дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш.

Иккинчи гурухга банкротлик экътимоллигини турли омиллар ёрдамида баҳолаш моделлари киради. Инкирозни баshoreтлашнинг омилли моделлари орасида таниклилари Алътман, Федотов, Тафлер-Тишуулар модели ҳисобланаб, улар банкротлик даражасини оддиндан баshoreт этиши имконини беради.

Мазкур моделлардан бири М.А.Федотов модели¹⁷ бўлиб, 15 корхонада ўтказилган таҳлиларга кўра, уч омил асосида ишлаб чиқилган. Моделнинг марказида жорий ликвидлик коэффициенти ва қарз маблагларининг жами активлардаги улуши акс этган. Олимнинг фикрича, улар банкротликни аниқлашдаги энг зарур кўрсаткичлар бўлиб, қўйидагича ҳисобланади:

¹⁴ «Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами», 2005 йил, 15-16-сон. 119-модда.

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁶ Мазкур жадвалда ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш коэффициенти кўрсаткични натижалари маълумотлар этицимаслиги сабабли келтирilmади.

¹⁷ Фомин Я.А. Диагностика кризисного состояния предприятия: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2003. – С. 43.

$$Z = -0,3877 - 1,0736(\text{жорий актив}/\text{жорий мажсбуряят}) + \\ + 0,0579(\text{қарз маблағлари}/\text{жасам актив}) \quad (1)$$

Агар моделни хисоблашдан олинган натижә «0» дан кичкина бўлса, корхонада тўлов лаёкати мавжуд аks ҳолда, банкротлик эҳтимоли юқори бўлади.

Банкротлик эҳтимолигини башоратлашининг бошқа моделлари ҳам шу тартибда хисобланади. Қўйида «Автоойна» АЖ, «Рус-Ўзбек Текстил» КК ҳамда «QUVA TEKSTIL» МЧЖ корхоналарининг 2010 йил 31 декабрь ҳолатига олинган маълумотлар асосида ушбу моделлар таҳлил этилган.

Таҳлили ўтказилаётган корхоналарда банкротликни башоратлаш моделлари хисоб-китоб қилинганда қўйидаги натижалар олинди (4-жадвал).

4-жадвал

«Автоойна» АЖ, «Рус-Ўзбек текстил» КК ва «QUVA TEKSTIL» МЧЖ корхоналарида 2010 йил кўрсаткичлари бўйича банкротлик эҳтимолигини башоратлаши моделларининг хисоб-китоб натижалари¹⁸

Моделлар номи	Натижаси			Меъёри
	Автоойна	Рус-Ўзбек текстил	QUVA TEKSTIL	
М.А.Федотовнинг уч омилли модели	-7,8	-0,9	-1,1	$Z < 0$
Р.Тафлер ва Г.Тишуонинг тўрт омилли модели	1,7	0,4	0,5	$Z > 0,2$
Альтманнинг беш омилли модели	1,6	1,2	1,7	$Z < 1,8^{19}$
Р.С.Сайфуллин ва Г.Г.Кадыковнинг беш омилли модели	1,4	0,6	0,2	$R > 1$

4-жадвал маълумотларидан кўринадики, банкротлик эҳтимолигини аниклашнинг анъанавий моделларига асоссан корхоналар хўжалик фаолиятига аник баҳо беришнинг имкони йўқ. Сабаби, барча моделлар таҳлил қилинган корхоналарнинг банкротлик эҳтимолигини башоратлашда бир хил бўлмаган натижаларни кўрсатди. Шунинг учун, мазкур корхоналарда инқироз эҳтимолигини баҳолашнинг бошқа йўналишларидан фойдаланиш талаф этилади.

Ташхислашнинг учинчи йирик гурухи корхона иқтисодий аҳволини рейтингдаги асосида баҳолаш ҳисобланниб, бу корхонага инқирознинг таъсири қанчалик даражада зарар келтириши ва инқироздан сўнг корхонада соғломлаштириш ишлари олиб борилгунга қадар ҳолати қандай бўлиши хақида маълумот беради.

Инқирозга қарши бошқарув механизмини такомиллаштириш бўйича олиб борлигидан тадқиқотларга асосланниб, диссертацияда саноат корхоналарида

¹⁸ Муалиф томонидан ишлаб чиҳилган.

¹⁹ Альтман моделни бўйича мезонлар дифференциал тартибда келтирилган. Мазкур таҳлилда ҳар уччала корхонада банкротлик эҳтимолиги «жуда юқори» мезонига тўғри келмоқда. Агар модел З дан катта бўлса корхонада банкротлик эҳтимолиги паст даражада бўлади.

инқироз эҳтимоллигини эксперт баҳолашнинг рейтинг тизими ишлаб чиқилди ва асослаб берилди.

«QUVA TEKSTIL» МЧЖда инқироз эҳтимоллигини эксперт баҳолашнинг рейтинг тизимини амалда кўллаш бўйича эксперимент ўтказилганда, корхонада инқироз эҳтимоллиги 587 баллга тенг бўлди. Бу ҳолат корхонада иқтисодий начорлик ва инқироз аломати қарийб 59 фоизга тенг эканлигини англатади. Демак, «QUVA TEKSTIL» МЧЖ хатарини таъсир доираси бўйича 3-гуруҳ корхоналари таркибига кириши аниқланди.

Корхоналарда инқирозга карши бошқарув стратегиясини молиявий согломлаштириш режасини ишлаб чиқмасдан амалга ошириб бўлмайди. Лекин иқтисодий начор корхоналар томонидан ишлаб чиқилаётган молиявий согломлаштириш режаларини тузиш бўйича аниқ белгиланган тамойиллар тизими мавжуд эмас. Бу стратегик режаларда тартибсизлик, амалга ошириш имкониятининг етарли эмаслиги каби бир қатор муаммоларни вужудга келтиради. Диссертация ишида инқирозга карши бошқарувнинг стратегик ва тактик режаларини амалга оширишдаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида аниқ тамойиллар тизими ишлаб чиқилди. Шунга асосан, инқирозга карши дастурнинг таркибий тузилиши қўйидаги қисмлардан иборат бўлиши тавсия қилинади:

1. Инқирознинг тури ва сабабини аниқлаш қисми.
2. Корхонанинг ҳозирги ҳолатини таҳлил ва мониторинг қилиши қисми.
3. Корхонани согломлаштириш учун амалга ошириладиган тадбирлар қисми.
4. Инқирозни бартараф этиш учун зарур бўладиган маблағлар ва уларнинг манбасини аниқлаш қисми.
5. Реструктуризация қилиши қисми.
6. Инқирозга карши бошқарув давридаги корхона бюджети қисми.
7. Инқироз давридаги корхонанинг бошқарув аппарати ва ишчи ходимлари қисми.
8. Давлат томонидан корхонага берилган имтиёзлар ва давлат билан муносабатларни такомиллаштириш учун масъул шахслар қисми.
9. Корхона инқирозини бартараф этиши муддати ва ишларни бажарувчи масъул шахслар қисми.

«QUVA TEKSTIL» МЧЖ корхонасида иқтисодий начорлик сабаблари ўрганилганда ходимлар ва активларни бошқариш жараённада бир қанча йўл кўйилаётган хатолар мавжудлиги ташки омилларга нисбатан иммунитет пасайишига олиб келаётганлигини кўрсатди. Шунинг учун корхонага салбий таъсир қўйувчи омилларни ўз вақтида аниқлаб борадиган, уни бартараф этиш йўлларини топадиган ҳамда корхонанинг ракобатбардошитини ошириш бўйича илмий асосланган стратегияларни ишлаб чиқувчи инқирозга карши бошқарув бўлимни тузиш таклиф этилади. Мазкур бўлимда жами уч нафар ходим фаолият юритади. Ушбу бўлимнинг асосий мақсади корхона фаолиятига хавф солаётган хатарларни аниқлаш ва уни бартараф этиши билан боғлиқ турли даражадаги стратегик режаларни ишлаб чиқишидан иборат бўлиб, диссертация ишида бўлимнинг вазифалари асослаб берилган.

Мазкур бошқарув түзілмасыда инқирозға қарши бошқарув стратегиясینи күйидегі алгоритм асосыда бошқариш тавсия этилади (3-расм).



3-расм. Инқирозға қарши бошқариш бўлимида согломлаштириш стратегиясини бошқариш алгоритми²⁰

Инқирозға қарши бошқарув стратегиясини бошқариш алгоритми саккиз боекичдан иборат бўлиб, ундан иқтисодий барқарор корхоналарда ҳам фойдаланиши мумкин. Боекичлар иқтисодий почор корхоналарда кўпроқ. Инқирозға қарши бошқарув стратегиясини ишлаб чиқишида бўлим тузилганидан сўнг, корхона хўжалик фаолияти ташхисланади. Таҳлил қилинган иқтисодий кўрсаткичлар иқтисодий инқирознинг мавжудлиги ҳакида аломат берса, инқироз сабаблари ва у келтириши мумкин бўлган оқибатлар дастлабки таҳлилдан ўтказилиши лозим. Учинчи боекичда согломлаштириш дастури ишлаб чиқилади ва амалиётта татбик этилади.

Тўртингич боекичда бўлим томонидан олдинги боекичда ишлаб чиқилган стратегик режани амалиётдаги фаолияти назорат қилиб борилади. Бу режага янги ўзгариши ёки кўшимча киритилгунга қадар амалга оширилади. Агар согломлаштириш режаси якунда ижобий натижага берса, корхонани ривожлантиришин янги дастури ишлаб чиқилади, акс ҳолда, дастур бўним томонидан тактик жихатда янгиланиб, корхона фаолияти баркарорлашгунга қадар амалда бўлади ва бажарилishi қатъий назорат қилинади. Дастур тўлиқ

²⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бажарилгандан сўнг, инқироз бартараф этилганлиги қайтадан корхона фаолиятини ташхислаш ёрдамида баҳоланади.

Агар инқироз бартараф этиладиган бўлса, кейинги еттинчи босқичга ўтилади. Бошқа ҳолларда босқичлар изчиллиги учинчى босқичга қайтади. Иқтисодий жиҳатдан барқарор саноат корхоналарида стратегияни амалга ошириш уч босқичдан иборат бўлиб, иккинчи босқич расмдаги еттинчи босқичдан бошланади. Сўнити сакизинчى босқичда инқирозга карши бошқарув стратегияси мунтазам тактик жиҳатдан янгиланиб боради.

Инқирозга қарши стратегиянинг юкоридаги босқичларини саноат корхоналарида татбиқ этилиши, бу соҳадаги ишларнинг тартибсизлигига барҳам беради ва инқирозга қарши бошқарув дастурларини корхона фаолиятига мослашувчанлик даражасини ортиради. Инқирозга қарши стратегия ва тактикани амалга ошириш согломлаштириш ва таваккалчилликни бошқарип дастурларини ишлаб чиқишида қарор қабул қилиш жараёни билан узвий боғланган. Инқирозга қарши бошқарувининг энг асосий жараёни инқирознинг сабаби ва турини аниқлаш эмас, балки инқирозни бартараф этиш учун қарор қабул қилиш босқичидир. Чунки, инқирознинг сабаби ва оқибати оддий таҳлиллар натижасида аён бўлади. Лекин, у билан курашиш жуда ҳам мураккаб жараёндир. Шунинг учун, инқирозга қарши бошқарув бўлимини таҳлил қилинган корхонада тезкорлик билан тузиш лозим.

Ўтказилган тадқиқотлардан кўринадики, мазкур бўлимни фаолият қўрсатиши учун бир йилда корхона томонидан 23878 минг сўм харажат қилинади. Бўлимни тузиш натижасида корхонанинг активлар рентабеллиги даражаси олти фоизгача ётказилса, корхонанинг соф фойдаси 154656 минг сўмга ошади ҳамда бўлимнинг иқтисодий самарадорлиги 130778 (154656-23878) минг сўмни тақиқилади.

Бундан ташкари, ушбу тавсияларни амалга ошириш қўйидаги ютукларга олиб келади:

- давлат миқёсида банкротлик таомиллари қўлланилаётган саноат корхоналарининг маълумотлар базаси бирхилалтирилади;
- иқтисодий ночор саноат корхоналари учун ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиши имконияти вужудга келади ва унинг иқтисодий самарадорлиги ортади;
- инқирозга қарши бошқарувда иқтисодий ночор корхоналар ўртасида тажриба ва маълумот алмашиш имконияти аҳборотлар базасининг ўхшашлиги натижасида ортади;
- инқирозга қарши бошқарув тизмини ташкилотларда жорий қилишнинг ички механизми шаклланади.

Умуман олганда, инқирозга қарши бошқарув стратегиясини Ўзбекистон Республикаси шароитига хос амал қилини юкорида келтирилган тавсиялар натижасида такомиллашади.

ХУЛОСА

1. Корхона фаолияти ривожланиши билан бошқарув обьекти ҳам кенгайиб, бошқарув муаммолари кўпаяди ва инқироз хатарини оширади. Натижада бошқарув қарорларининг самарадорлиги пасайиб, корхона фаолияти оғирлашади. Бундай вазиятда агар корхона бошқарув ва маъмурӣ харажатларни бошқарув субъектини кўпайтириш ҳисобига оширса, барқарорликни саклаб қолади. Акс ҳолда, инқироз

хатари жиiddийлашади, бошқарув харажатларининг ўринсиз тежашга ҳаракат қилиш эса корхонани инқироз томон етаклайди.

2. Инқирозга қарши чораларни давлат томонидан амалга оширилиши банкротлик институтига асосланади. Банкротлик институти корхоналар иқтисодий начорлиги ва банкротлиги билан боғлиқ бўлган хукукий муносабатларни тартибга солишига асосланган бўлиб, фуқаролик ва хўжалик масалаларини ҳам ўз ичига олади. Фикримизча, банкротлик институти қонунчилик ва банкротлик бўйича ишларни тартибга солишининг ташкилий асосларини Республикада ривожлантириш даражасига кўра, тўрт боскичда шаклланган. Бу Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисидағи қонунини янги таҳрирда қабул қилинишини, иқтисодий начор ва банкрот корхоналар фаолиятини тартибга солиш билан шугулланувчи давлат ташкилотини ташкилий-хукукий шаклини такомиллаштириб бориши жараёнини ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасидаги тадбирларни ўз ичига олган.

3. Республикада корхоналарни ташхислаш ва мониторинг ишларини самарали амалга ошириш учун Адлия Вазирилги томонидан 14.04.2005 йилда 1469-сон билан рўйхатдан ўтган «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳдилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низом иловасига куйидагича ўзгартиришлар киритиши тавсия этилади.

Биринчидан, корхоналарни мониторинг қилинда ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини таҳлил этиш ва корхона тўғрисида аниқ ташхис бериш учун куйидагиларни кўшиши:

- дебиторлик қарзларини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- айланма маблағлар айланувчалигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- асосий воситалар, айланма маблағлар ва сотиш рентабеллиги кўрсаткичлари;
- ишчилар кўнимсизлиги коэффициенти.

Иккинчидан, харажатлар рентабеллиги кўрсаткичига Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг қайта молиялаштириш ставкасини мезон сифатида белгилаш. Харажатлар рентабеллигига янги кўйилган мезон корхоналарга фойдасини янада ошириш учун туртки бўлади;

Учинчидан, ҳалқ хўжалиги тармоқларида баланс таркибида маблағлар манбалари ва уларнинг жойлашуви ҳар хил нисбатда бўлганлиги учун кўрсаткичларга қонунда белгиланган мезонларни (рентабеллик кўрсаткичидан ташкири) қайта кўриб чиқиши;

Тўргинчидан, тўлов қобилияти коэффициентини суратидаги жорий активлардан муддати ўтган жорий дебиторлик қарзларини айириб ташлаш. Мазкур таклиф тўлов қобилияти коэффициенти билан боғлиқ рискни пасайтиради.

4. Саноат корхоналарини хорижий валютада олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича валюта курси ошишидан кўрастан зарарининг хисобига молиявий ҳолати оғирлашиб, инқирозга таъсирчанлик даражаси ортиб бормокда. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, 2015 йилнинг 1 июнь ҳолатига бир АҚШ доллари 2225,02 сўм бўлиши башорат қилинди. Агар саноат корхонаси 1 млн. АҚШ доллари микдорида 2012 йил 1 январь ҳолатига 10 фоизли ставкада олти ойдан кейин фоизини тўлашни бошлаш шарти билан уч йил муддатта кредит олса, кредит узилгунга қадар валюта

курси ўзгаришидан 282 млн. сўм заарар кўради. Буни олдини олиш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш учун саноат корхоналари томонидан эркин алмаштириладиган валютада олинадиган узок муддатли кўрсатилган микдордаги кредитларнинг «0» фоизли ставкада берилиши истиқболда қайта молиялаштириш учун сарфланадиган маблағларни ўргача 307 млн. сўм ортишига олиб келади. Ушбу маблағ валюта курсидан келгуси уч йил ичилда кўриладиган заарларни коплаш учун жамгарма вазифасини бажаради.

5. Ўтказилган таҳлиллардан маълум бўлдики, Фарғона вилояти енгил саноат корхоналарида инқирозга қарши бошқарув етарли даражада ташкил этилмаган. Сабаби, ходимлар бошқарувининг ушбу йўналиши бўйича паст билим ва малакага эга. Шу билан бирга, баъзи енгил саноат корхоналарида ишчилар кўнимсизлигининг юқорилиги ҳам ходимларни бошқариш бўйича корхоналар томонидан олиб борилаётган тадбирлар тўғри ташкил этилмаганинги кўрсатади.

Ҳисоб-китобларга кўра, корхона бир ходимни малакасини ошириш учун бир ойда ўргача 1 млн. сўм харажат қиласди. Шу сабабли, ходимларни инқирозга қарши бошқарув бўйича малакасини оширишда оммавий аҳборот воситаларидан фойдаланиш ва маҳсус кўрсатувлар тайёрлаш лозим. Ушбу тадбир ходимлар малакасини ошириш учун сарфланадиган маблағларнинг иктиносид қилинишига олиб келади.

6. Корхона миқёсида инқироз эҳтимоллигини ташхислаш уч гурухга бўлинishi маълум бўлди. Уларга корхонанинг инқирозли ҳолатини турли гурухдаги кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил этиш, банкротлик эҳтимоллигини омилли моделлар ҳамда рейтинг асосида баҳолаш йўналишлари киради. Инқирозга таъсир этувчи омилларни ташкил ва ички турларга бўлиш ва шу орқали инқироз хатарини баҳолаш самарали натижка берипни тадқиқот жараённида аникланди ҳамда шулар асосида инқироз эҳтимоллигини эксперт баҳолашнинг рейтинг тизими ишлаб чиқиди. «QUVA TEKSTIL» МЧЖда инқирозни баҳолашнинг мазкур усулида эксперимент ўтказилди. Натижада корхонанинг инқироз эҳтимоллиги 59 фоизга тенг эканлиги аникланди. Бу билан корхона инқироз эҳтимоллиги мавжуд бўлган 3-гурух корхоналари таркибига кирди. Корхонада молиявий ҳолат ёмонлашмасдан туриб дастлаб инқирозга қарши бопқарув бўлимини тузиш лозим.

7. Саноат корхоналарида «Инқирозга қарши бошқарув» бўлимини тузиш ва уни ўз вактида молиявий жиҳатдан кўллаб-куватлаш лозим. Бўлим бюджетини тузишда корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва ҳажми эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ. «QUVA TEKSTIL» МЧЖда ушбу тадбир самарадорлиги хисобланганда, мазкур бўлим харажатлари йилига 23878 минг сўмни ташкил этиди. Ҳисоб-китобларга кўра, бўлимни тузиш натижасида корхонанинг соғ фойдаси 154656 минг сўмга оиди. Бундан бўлимни ташкил этиш ва фаолият кўрсагиши билан боғлиқ харажатлари чиқариб юборилганда тадбирнинг иктиносидай самарадорлиги 130778 минг сўмдан иборат бўлиши аникланди.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Камбаров Ж., Салимов F. Корхоналарда банкротлик аломатлари вужудга келганда уни бартараф этишнинг молиявий масалалари // Иктиносидёт фанининг йўналишларини ривожлантириш муваммолари: Республика илмий-амалий

конференцияси материаллари. – Фарғона, ФДУ, 2007. – Б. 115-116.

2. Камбаров Ж., Касимова О. Инқирозга қарши бошқарув механизмини жорий этишнинг саноат корхоналарини ривожлантиришдаги аҳамияти // Саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш, модернизациялаш ва янгилашнинг устувор йўналишлари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Фарғона, ФарПИ. 2009. – Б. 31-33.

3. Камбаров Ж., Салимов Ф. Инқирозга қарши бошқарув жараёнида корхоналарни бизнес-диагностикасининг аҳамияти ва унинг долзарб вазифалари // Саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш, модернизациялаш ва янгилашнинг устувор йўналишлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Фарғона, ФарПИ. 2009. – Б. 104-105.

4. Махмудов Н.М., Камбаров Ж.Х. Саноат ишлаб чиқариш корхоналарида модернизациялашнинг самарадорлигини таҳлил қилишда рентабеллик кўрсаткичларининг ўзига хослиги // Саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш, модернизациялаш ва янгилашнинг устувор йўналишлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Фарғона, ФарПИ. 2009 йил. – Б. 126-129.

5. Камбаров Ж. Структура и критерии антикризисной программы предприятий // Сборник научных трудов: реализации антикризисной программы – основа дальнейшего развития национальной экономики и повышения его конкурентноспособности – М.: МГЭИ. 2010. – С. 68-69.

6. Камбаров Ж. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида инқирозга қарши бошқарувни ташкил қилишнинг тармоқ хусусиятлари // Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда давлатнинг аграр сиёсати ва унинг устувор йўналишлари: республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2010. – Б. 104-106.

7. Камбаров Ж.Х., Умаров У.П. Корхоналарда инқирозга қарши бошқарув механизмини инновациялар асосида такомиллаштириш // «Миллий иктисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион фаолиятни инвестициялаш» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Молия. 2010. – Б. 359-362.

8. Камбаров Ж.Х. Корхоналарда инвестиция сиёсати // Жамият ва бошқарув. Тошкент, 2010. – маҳсус сон. – Б. 352-354.

9. Камбаров Ж.Х. Саноат корхоналарида инқирозга қарши бошқарув стратегияси ва тактикасини такомиллаштириш // Биржа-Эксперт. Тошкент, 2010. – №9(33). – Б. 29-32. .

10. Махмудов Н., Камбаров Ж.Х. Таҳхислашнинг замонавий методлари ва уларни республикамиз корхоналарига татбик этиш хусусиятлари // Иктисодиёт ва таълим. Тошкент, 2010. – №6. – Б. 52-55.

11. Камбаров Ж.Х. Инқирозга қарши инновацион механизми такомиллаштириш // «Иктисодиётни модернизациялаш стратегияси: муаммолар ва инновацион ривожланишга ўтиш йўллари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2011. – Б. 83-84.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Камбаров Жамолиддин Хикматиллаевичнинг 08.00.13 - «Менежмент» ихтиосолиги бўйича «Саноат корхоналарида инқирозга қарши бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертациянинг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: банкротлик, бошқарув, зарар кўриб ишлаш, инқироз, иқтисодий механизм, иқтисодий начорлик, инвестиция сиёсати, инқирозга қарши бошқарув, молиявий-иктисодий кўрсаткичлар, рентабеллик, саноат корхоналари, ташхислаш, тўлов қобилияти.

Тадқиқот объектлари: Фарғона вилоятидаги иқтисодий начор, зарар кўриб ишловчи ва банкрот бўлган саноат корхоналари.

Ишнинг мақсади: саноат корхоналарида инқирозга қарши бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва давлатнинг иқтисодий начор саноат корхоналарини согломлаштириш жараёнидаги иштирокини янада фаоллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқот методлари: статистик гурӯҳлаш, тақдослама таҳлил, синтез, индукция ва дедукция.

Олинганинг натижалар ва уларнинг янгилиги: «инқироз», «инқироз турлари», «иктисодий начорлик» ва унга олиб келувчи сабабларнинг иқтисодий моҳияти очиб берилган ҳамда инқирозга қарши бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан асосланган; корхоналардаги мавжуд бошқарув тамойилларига асосланниб инқирозга қарши бошқарув механизми ўрганилган ва унга иқтисодий баҳо берилган; Фарғона вилояти саноат корхоналарида иқтисодий начорлик ва зарар кўриб ишлаш ҳамда давлат томонидан корхоналарни согломлаштиришда кўлланилаётган тадбирлар самарадорлиги таҳтил килинди; инқироз эҳтимолилитини эксперт баҳолашпинг рейтинг тизими ишлаб чиқиши ҳамда «QUVA TEKSTIL» МЧЖ фаoliyati баҳоланишида фойдаланилди; корхоналарда инқирозга қарши бошқарув бўлимини ташкил этиш ва бошқариш алгоритми ишлаб чиқиши.

Амалий аҳамияти: саноат корхоналарида иқтисодий инқирозларни баҳолаш ва башоратлаш усуслари такомиллашади. Саноат корхоналарида инқирозга қарши бошқарув сиёсатини ташкил этиш самарадорлиги ҳамда корхоналарнинг бозордаги рақобатбардошлиги ортади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: илмий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириши давлат кўмитаси ва Фарғона вилояти худудий бошқармасига тақдим этилган. «QUVA TEKSTIL» МЧЖ фаoliyatiда, шунингдек, Фарғона политехника институтининг ўкув жараёнида кўллаш учун қабул килинган.

Кўлланиши (фойдаланиши) соҳаси: саноат корхоналари, олий ўкув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Камбарова Жамалиддина Хикматиллаевича на тему: «Совершенствование экономического механизма антикризисного управления на промышленных предприятиях», на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13 – «Менеджмент»

Ключевые слова: банкротство, управление, убыточное функционирование, кризис, экономический механизм, экономическая нестабильность, инвестиционная политика, антикризисное управление, финансово-экономические показатели, рентабельность, промышленные предприятия, диагностика, платежеспособность.

Объекты исследования: экономически нестабильные, убыточные и обанкротившиеся промышленные предприятия Ферганской области.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию экономического механизма антикризисного управления на промышленных предприятиях и по более активному участию экономически нестабильных промышленных предприятий государства в процессе оздоровления.

Методы исследования: статистическая группировка, сравнительный анализ, синтез, индукция и дедукция.

Полученные результаты и их новизна: раскрыта экономическая сущность понятий «кризис», «виды кризиса», «экономическая нестабильность» и приводящих к ним причин, а также практически обоснованы специфические особенности антикризисного управления; изучен и экономически оценен механизм антикризисного управления на основе принципов управления, действующих на предприятиях; проанализированы экономически нестабильные и убыточные промышленные предприятия Ферганской области, а также эффективность принимаемых мер по их оздоровлению со стороны государства; разработана рейтинговая система экспертной оценки возможного кризиса, а также ее применение в оценке деятельности ООО «QUVA TEKSTIL»; разработан алгоритм организации и управления отдела по антикризисному управлению предприятий.

Практическая значимость: усовершенствование методов оценки и прогнозирования экономических кризисов на промышленных предприятиях. Повышение эффективности организации политики антикризисного управления на промышленных предприятиях, а также рыночной конкурентоспособности предприятий.

Степень внедрения и экономическая эффективность: научные рекомендации представлены в Госкомитет Республики Узбекистан по демонополизации и развитию конкуренции и в Ферганское областное территориальное управление, а также приняты для применения в деятельности ООО «QUVA TEKSTIL» и учебном процессе Ферганского политехнического института.

Область применения: промышленные предприятия, высшие учебные заведения.

R E S U M E

Thesis of Kambarov Jamaliddin Xikhamatillayevich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in economics specialty 08.00.13-Management, subject: «**Improvement of economic mechanism of anti-crisis management in industrial enterprises»**

Key words: bankruptcy, management, global crisis, receivables and payables, operate at a loss, crisis, economic mechanism, economic insolvency, investment policy, anti-crisis management, liquidity, financial rehabilitation, monitoring, financial and economic indicators, profitability, industry, strategy, diagnosis, pay ability.

Subjects of research: economically unstable losing and bankrupt industrial enterprises of Fergana region.

Purpose of work: To develop the scientific and practical proposals to further enhance of government's participation in rehabilitation of insolvent industrial enterprises and improving the economic mechanism for anti-crisis management in industrial plants.

Methods of research: statistical grouping, comparative analysis, synthesis,, induction and deduction.

The results obtained and their novelty: economic essence of crisis, types of crisis, economic instability and their causes ,and specific peculiarities of anti-crisis management have been practically proved; mechanism of anti-crisis management on the base of management principals has been studied and economically evaluated; economically unstable and losing industrial enterprises of Fergana region have been analyzed and also efficiency of measurements in restoring the health of the economy by the government; the expert rating system for assessing probability of crisis has been developed and an experiment in evaluation of the LLC «QUVA TEKSTIL» has been made; an algorithm for implementing the strategy of anti-crisis management has been elaborated.

Practical value: improvement of evaluation methods and forecast of economic crises on industrial enterprises. Increase of effectiveness of anti-crisis management organization policy on industrial enterprises and market competitiveness of enterprises.

Degree of embed and economic effectivity: research recommendations have been presented to the State committee on de-monopolization and development of competition of the Republic of Uzbekistan and the Territorial Board of the Ferghana area. They were adopted for use in the learning process of the Ferghana Polytechnic Institute, as well as in activities of LLC «QUVA TEKSTIL».

Field of application: industrial enterprises, higher educational institutions.